



## “ТАСДИҚЛАЙМАН”

Ўзбекистон Республикаси Президенти  
ҳузуридаги Пахтачилик кенгаши раиси,  
Олий таълим, фан ва инновациялар вазири

 **И.Абдурахмонов**

### Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Пахтачилик кенгашининг Самарқанд вилояти Нарпай туманида ўтказилган сайёр йиғилишининг 7-сон

#### БАЁНИ

2023 йил 25 март

Самарқанд вилояти, Нарпай тумани

**Раислик қилди:** **И.Ю. Абдурахмонов – Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Пахтачилик кенгаши раиси, Олий таълим, фан ва инновациялар вазири**

**Қатнашдилар:** Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Пахтачилик кенгаши ва унинг бошқарув гуруҳи аъзолари, Нарпай туманига бириктирилган ишчи гуруҳи аъзолари, Самарқанд вилояти ҳокимлиги, Нарпай туман ҳокимлиги, “Мароқанд сифат” МЧЖ мутасаддилари, хусусий уруғчилик корхонаси раҳбарлари, вазирлик ва идораларнинг масъул ходимлари, илмий ташкилотлар раҳбарлари ва илмий ходимлари (рўйхат бўйича)

#### КУН ТАРТИБИ:

**Самарқанд вилояти Нарпай туманида чигит экиш ишларининг ҳолатини жойига чиққан ҳолда ўрганиш натижалари тўғрисида**

*(И.Абдурахмонов, Ш.Раҳманов, К.Абдуллаев, Ш.Отажонов, Ф.Мўминов, А.Нарбаев, И.Абдурахмонов)*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Пахта ҳосилдорлигини ошириш, пахта етиштиришда илм ва инновацияларни жорий қилишнинг қўшимча ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида" 2022 йил 7 июлдаги ПҚ-308-сон қарорида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Пахтачилик кенгашининг "Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Пахтачилик кенгаши фаолиятини йўлга қўйишнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида"ги йиғилишининг 2022 йил 5 июлдаги 1-сон баёнида белгиланган топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида **2023 йил 25 март куни** Ўзбекистон Республикаси

Президенти ҳузуридаги Пахтачилик кенгаши раиси, Олий таълим, фан ва инновациялар вазири И.Абдурахмонов раҳбарлигида Пахтачилик кенгаши аъзолари, унинг бошқарув гуруҳи, Пахтачилик кенгашининг Нарпай туманига бириктирилган ишчи гуруҳ аъзолари ҳамда хусусий уруғчилик корхоналари раҳбарлари иштирокида Пахтачилик кенгашининг янги тизим жорий этилган Нарпай туманида 2023 йилда нав жойлаштириш режасига асосан уруғлик чигитни ташиш (етказиб бериш) ишларининг ҳолати, уларни экинга тайёрлаш ҳамда чигит экиш жараёнини ўрганиш юзасидан Самарқанд вилоятининг Нарпай туманида сайёр йиғилиш ташкил этилди.

Даставвал, Пахтачилик кенгаши томонидан Нарпай туманида жойлашган **“Мароқанд сифат” МЧЖ** пахта-тўқимачилик кластерига қарашли уруғлик чигитни дорилаш цехига ташриф буюрилиб, у ердаги уруғлик чигитни дорилаш ва уруғлик чигитни экинга тайёрлаш ишлари билан танишилиб, ушбу пахта-тўқимачилик кластерининг чигитни тайёрлаш билан боғлиқ фаолиятини бошқа кластерларга намуна сифатида кўрсатиш мумкинлиги таъкидланди.

Кенгаш томонидан кластер мутасаддиларига бу йилги об-ҳаво ҳароратининг кўтарилганлиги, бугунги кунда Нарпай туманидаги ер ҳарорати 12-15 даражани (°C) ташкил этаётганлиги ва чигит экиш учун қулай ҳароратлиги таъкидланиб, мазкур агротехник тадбирларни ва чигит экишни кечиктирмасдан тезроқ муддатларда амалга оширилиши кераклиги қайд этилди.

Пахтачилик кенгашининг Нарпай туманига бириктирилган ишчи гуруҳ аъзолари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Пахтачилик кенгашининг 2023 йил 11 февралдаги 3-сонли йиғилиш баёнининг 1-бандининг ижроси таъминлаш бўйича Нарпай туманига қарашли “Нарпай Хушнудбек”, “Хамида Юсупова” ва Саратон фермер хўжаликлари дала майдонларининг четларига 1500 туп тут, 500 та олча дарахтлари экилиб, дала майдонининг четларига ошқовоқ уруғларини экиш ишлари амалга оширилганлиги аниқланди ва колган фермер хўжаликлари ерлари четда ҳам дарахтлар ва экинлар экиш юзасидан топшириқлар берилди.

Нарпай тумани “Мароқанд сифат” МЧЖда “Биолабораторияларни замонавий асбоб ускуналар билан жиҳозлаш концепцияси”га асосан ғўза зараркунандаларига қарши биологик воситалар ишлаб чиқиш инфратузилмасининг замонавий талабларига мувофиқ замонавий услубда янги биофабрика қуриш ишлари якунига етказилмоқда ва улар фаолиятини тубдан яхшилаш бўйича Пахтачилик кенгаши аъзолари томонидан қатор тавсиялар берилди.



Шунингдек, Самарқанд вилояти Нарпай туманидаги “Мароқанд сифат” МЧЖда 2023 йилда пахта экилаётган 9 021 гектар майдонда шудгорлаш ишлари тўлиқ якунланиб, ерларни минерал ва органик ўғитлар билан бойитган ҳолда чигит экишга тайёрлаш ва чигит экиш ишлари амалга оширилмоқда.

Самарқанд вилояти Нарпай тумани “Мароқанд сифат” МЧЖ га қарашли 2000 гектар майдондан тупроқ намуналари олиниб, таркибидаги озик моддалар миқдори ва шўрланиш типи ва даражалари “Тупроқ таҳлил лаборатория” сида таҳлил қилиниб, намуна олинган жами 2000 га майдоннинг 99 % и ёки 1980 га озик моддалар билан жуда кам ва 1 % ёки 20 га майдон эса кам таъминланганлиги аниқланган. Кластер ва фермер хўжаликлари кесимида унумдорлиги жуда паст бўлган ерлар учун ҳар бир гектар майдонга 10-15 тоннадан органик ўғит бериш ишлари ўтказилганлиги таъкидланди.

Туманда мавжуд суғориш тармоқлари ички ариқлар 1788,1 км узунликда бўлиб, шундан 2022-2023-йил кузги-қишки мавсумда ариқ тозалаш ишлари 1368,9 км, Хўжаликлараро каналларнинг 22,9 км да тозалаш ишлари амалга оширилган.

Бундан ташқари, туманнинг пахта экиладиган 9 021 гектаридан 2 436 гектарига чигит экилган ва қолган пахта экиладиган майдонларда чигит экиш ишлари амалга оширилмоқда.

Қўшимча равишда 2023 йил 27 феврал куни Нарпай тумани “Мароқанд сифат” МЧЖга қарашли уруғлик чигитни дорилаш цехида пахтачилик кенгаши Нарпай тумани аъзолари, Ўсимликлар карантини ва ҳимояси Самарқанд бўлими Нарпай тумани мутасадди ташкилот раҳбарлари ва уруғчилик фермер хўжаликлари ходимлари иштирокида уруғлик чигитни дорилаш бўйича 2023 йил 15 март куни Самарқанд вилояти Нарпай тумани қишлоқ хўжалиги бошқармаси, фермер хўжалиги раҳбарлари, Пахтачилик кенгаши Нарпай тумани ишчи гуруҳ аъзолари “Пахта навларини жойлаштириш режасининг жойлардаги ижроси ва худудлардаги уруғлик чигит тайёрлаш цехлари ҳолати тўғрисида”ги 1-сонли йиғилиш баёнининг 4-банди ижросини таъминлаш мақсадида агрокластер ва фермер хўжаликлари дала майдонларида экиладиган районлашган, истиқболли ва янги навлар муаллифлари иштирокида ғўзани парваришлаш агротехникаси бўйича ўқитиш ишлари амалга оширилган ва “Мароқанд сифат” МЧЖга қарашли уруғлик чигитни дорилаш цехида аниқланган камчиликлар юзасидан Пахтачилик кенгаши раиси томонидан кўрсатмалар берилди.

Пахтачилик кенгаши аъзолари томонидан пахта экиладиган майдонларига сифатсиз уруғларнинг экилишини олдини олиш мақсадида жамғарилган уруғлик чигитларнинг унувчанлиги, вазни ва хажми жиҳатдан сараланиб, уларни дорилаш ва сертификациядан ўтказиш бўйича қўшимча топшириқ берилди.

Пахтачилик кенгашининг Нарпай туманига бириктирилган ишчи гуруҳ аъзолари “Мароқанд сифат” МЧЖда 2023 йилда пахта экилаётган 9 021 гектар майдонларни агрокимёвий хаританомаларини ва “Бонитировкалаш” ишларини сифатли бажарилишини назорат қилган ҳолда олинган натижалар асосида ғўзага бериладиган минерал ўғитларнинг меъёрларини харитаграмма асосида табақалаштириб қўлланишини таъминлаш бўйича кўрсатмалар берилди.

Самарқанд вилояти Нарпай туманидаги “Мароқанд сифат” МЧЖга қарашли уруғлик чигитни туксизлантириш ва дорилаш цехи фаолияти самарадорлигини ошириш ва туманда чигитни ўз вақтида экилишини таъминлаш, шунингдек Пахтачилик кенгаши ва унинг янги тизим жорий этилган 13 та тумандаги ишчи гуруҳлар ишининг натижадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида Пахтачилик кенгаши

### **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

**1. “Мароқанд сифат” МЧЖ (К.Абдуллаев) ўн кун муддатда** Пахтачилик кенгаши томонидан ишлаб чиқилган нав жойлаштириш режасига мувофиқ Нарпай туманига экилиши режалаштирилган пахта навларининг тавсия этилган агротехнологияларини инobatга олган ҳолда экилишини таъминласин.

**2. Тупроқшунослик ва агрокимёвий тадқиқотлар институти (Ш. Бобомуродов) бир ой муддатда** Пахтачилик кенгашининг Нарпай туманида чигит экиладиган ер майдонларининг агрокимёвий хаританомаларини ишлаб чиқсин ва уни Пахтачилик кенгашига маълумот учун ва “Мароқанд сифат” МЧЖга келгусида фойдаланиш учун тақдим этсин.

**3. Ўсимликлар карантини ва ҳимояси илмий-тадқиқот институти (Анорбоев):**

**бир ой муддатда** Пахтачилик кенгашининг туманлардаги ишчи гуруҳлари билан биргаликда пахта майдонларининг ҳашоротлар билан зарарланиши олдини олиш мақсадида ғалла экилган майдонларда атрофига зараркунандаларга қарши биомахсулотларни қўйишни ташкил қилсин;



**апрель-май ойларида** Пахтачилик кенгаши фаолияти йўлга қўйилган 13 та туман ишчи гуруҳлари билан биргаликда пахта экилган майдонларга зараркунандаларга, жумладан илдиз қуртига қарши курашда феромон тутқичлар ўрнатиш ишларини ҳамда бу йили кўсак қурти кўп бўлишини инобатга олган ҳолда ҳар бир пахта-тўқимачилик кластерларига тавсиялар ишлаб чиқсин ва амалга ошириш чораларини кўрсин.

Нарпай туманида фаолияти йўлга қўйиладиган биологаториялар фаолиятини ўрганиб, уларни замонавий асбоб-ускуналар ва технологиялар асосида қайта тартибга солиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиб, “Мароқанд сифат” МЧЖга тақдим этсин.

**5. “Мароқанд сифат” МЧЖ (К.Абдуллаев), Пахтачилик кенгаши (Ш.Намозов), Пахтачилик кенгаши қошидаги Самарқанд вилояти Нарпай туманига бириктирилган ишчи гуруҳ (А.Нарбаев) бир ҳафта муддатда:**

пахта экилган майдонлар четларига тут, узум кўчатларини ҳамда мойчечак (ромашка) экиш чораларини кўрсин;

2023 йилда пахта экилаётган барча майдонларида дала маданиятини кенг жорий этиб, фермер хўжаликларига дала четларида бўш турган ер майдонларидан унумли фойдаланиш бўйича тавсиялар берсин;

чигит экиш ишларини Пахтачилик кенгаши томонидан ишлаб чиқилган нав жойлаштириш режасига мувофиқ тезкорлик билан яқунлаш чораларини кўрсин, бунда фермер хўжаликлари кесимида тегишли тушунтириш ишларини олиб борсин ва зарур ҳолларда уларга амалий ёрдам кўрсатсин;

пахта экилган майдонларда контурма-контур ҳар бир нав кесимида мазкур нав муаллифларини жалб этган ҳолда керакли агротехник тадбирларни ўз муддатларида ўтказилишини таъминласин.

**6. “Пахтасаноат илмий маркази” АЖ (Кулиев) “Мароқанд сифат” МЧЖ (К.Абдуллаев) билан биргаликда туманда чигит экиш мавсуми давомида** пахта экилган майдонларга сифатсиз уруғларнинг чиқиб кетиши олдини олиш мақсадида ҳар бир ҳудуддаги жамғарилган уруғлик чигитларнинг ҳолати, уларни дорилаш жараёни ва саралаш ишларининг тўғри олиб борилишини, сертификациядан ўтганлиги бўйича назорат ўтказиш юзасидан илмий марказ мутахассисларини бириктирсин, улар томонидан амалга оширилган ишлар натижалари юзасидан Пахтачилик кенгашига маълумот тақдим этсин.

7. Мазкур баён топшириқларининг ўз муддатида ва сифатли бажарилишини назорат қилиш Пахтачилик кенгаши бошқарув гуруҳига юклатилсин.

Пахтачилик кенгаши  
котиби



Ш.Отажонов